

ТИЛ БАЙРАМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланар эди. 2020 йил 10 апрель куни “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш” тўғрисидаги Қонунга имзо чекилди. Шундан буён 21 октябрь “Ўзбек тили байрами кунини” сифатида нишонланмоқда.

Сана муносабати билан жойларда, таълим муассасаларида тадбирлар ўтказилаяпти. Тумандаги 2-сонли умумтаълим мактабида ҳам очик дарс ташкил этилди. Дарс жараёнида янги инновацион методлар ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга мавзу тушунтириб берилди.